

“РҮЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан

2018 йил “14” август

69 -сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари

Т.А. Ишметов



**“КАПИТАЛБАНК”
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
БАНКИНинг
УСТАВИ
(янги таҳрири)**

“Капиталбанк” акциядорлик
тижорат банки Акциядорларининг
2018 йил 27 июнданги
йиллик умумий
йиғилиши томонидан
(1/2018-сонли баённома)



ТОШКЕНТ – 2018

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. «Капиталбанк» акциядорлик тијорат банки (кейинчалик «банк» деб юритилади) акциядорлик жамияти шаклида фаолият күрсатувчи кредит ташкилоти ҳисобланади.

2. Банк таъсисчилар йигилишининг (2000 йил 15 майдаги 1-сонли баённома) қарорига биноан ёпиқ акциядорлик банк шаклида ташкил қилинган. Банк акциядорлари умумий йигилишининг (2001 йил 20 декабрдаги 008/1-сонли баённома) қарорига кўра очик турдаги акциядорлик банки шаклида қайта ташкил қилинган.

“Капиталбанк” хусусий очик акциядорлик-тијорат банки ва “Авиабанк” акциядорлик-тијорат банки акциядорларининг 2004 йил 21 декабрда бўлиб ўтган биргаликдаги умумий йигилишининг қарорига биноан “Авиабанк” акциядорлик-тијорат банки “Капиталбанк” очик акциядорлик-тијорат банкига қўшиб олинган.

Топшириш далолатномасига асосан банк “Авиабанк” акциядорлик-тијорат банкининг барча хукуқ ва мажбуриятлари бўйича хукукий вориси ҳисобланади.

3. Банк ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” (янги таҳрирда), “Акционерлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари (янги таҳрирда) ва бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий хужжатлари ва бошқа қонун хужжатларига, шунингдек мазкур Уставга амал қиласди.

4. Банк Ўзбекистон Республикасининг банк тизими таркибига киради.

5. Банкни ташкил қилиш ва фаолиятидан мақсад - Ўзбекистон Республикаси худуди ва ундан ташқарида амалдаги қонун хужжатларида тақиқланмаган банк ва молиявий фаолиятни амалга ошириш, шунингдек фойда олиш мақсадида юқорида кўрсатилган фаолият билан боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатиш ҳисобланади.

6. Банкнинг тўлиқ номи:

ўзбек тилида:

кирилл ёзувидаги: «Капиталбанк» акционерлик тијорат банки;

лотин ёзувидаги: «Kapitalbank» aksiyadorlik tijorat banki;

рус тилида: Акционерный коммерческий банк «Капиталбанк»;

инглиз тилида: Joint stock commercial bank «Kapitalbank».

Банкнинг қисқартирилган номи:

ўзбек тилида:

кирилл ёзувидаги: «Капиталбанк» АТБ;

лотин ёзувидаги: «Kapitalbank» ATB;

рус тилида: АКБ «Капиталбанк»;

инглиз тилида: JSCB «Kapitalbank».

7. Банк юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зинмасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

8. Банк белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқукини бермаган ҳолда ўз филиалларини ташкил қилишга ҳакли, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва Банк уставида белгиланган қоидалар доирасида уларга ҳуқуқлар бериши мумкин.

Филиаллар Банк кенгаши томонидан ташкил қилинади. Филиаллар давлат тилидаги ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга, штампга ва ўз номидаги бланкаларга эга.

Филиаллар банк номидан фаолият юритадилар. Банк ўз филиаллари фаолияти учун жавобгар бўлади. Филиал бошқарувчилари банк томонидан берилган ишончнома асосида фаолият юритадилар. Банк номидан ишончнома Банк бошқаруви раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан берилади.

Филиаллар ўз фаолиятларини Банк кенгаши тасдиқлаган низом асосида амалга оширадилар.

Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (кейинчалик “Марказий банк” деб юритилади) рухсати билан мамлакат ташқарисида филиаллар ва ваколатхоналар очиши мумкин. Банк томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиалларни тузиш ва ваколатхоналарни очиш филиаллар ва ваколатхоналар турган жойдаги давлат конунчилигига асосан амалга оширилади.

Банкнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки банкнинг балансида хисобга олинади.

9. Банк маблағларининг сақланиши ҳамда омонатчилар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши учун, шу жумладан тўловлар бир банкдан бошқа банкка ўз вақтида ўтиши ҳамда маблағларнинг корхоналар ва ташкилотлар ҳисоб-китоб вараклариға киритилиши учун ўз мижозлари ва омонатчилари олдида жавобгардир.

Акциядорлар банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлик заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акциялар ҳақининг тўлиқ тўламаган акциядорлар банк мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, кудди шунингдек банк ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

10. Банк чекланмаган муддатга таъсис этилган.

11. Банк ўз тимсолига, Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидаги тўлиқ фирма номи ва тимсоли тасвири туширилган думалоқ муҳрига эга.

Банкнинг юридик ва почта манзиллари: 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Сайилгоҳ кўчаси 7.

E-mail: info@kapitalbank.uz.

Веб сайт: www.kapitalbank.uz.

II. БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ

12. Банк ўз фаолиятида қуидаги банк операцияларини амалга оширади:
жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобваракларини очиш ва юритиш, ҳисобвараклар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;
омонатларни жалб этиш;

кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз

маблағлари ва жалб этилган маблағлар хисобидан ўз номидан кредитлар бериш;

маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул
маблағини бошқариш;

чет эл валютасини накд пул ва накд бўлмаган пул шакларида юридик ҳамда
хосилий шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;

пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб хужжатларини инкассо қилиш;

учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи
мифолилар бериш;

учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш хуқуқини олиш;

кимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни
мижоз билан тузилган шартномага биноан кимматли қоғозларни бошқариш,
кимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;

банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;

жасмоний ва юридик шахсларга хужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун
махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни изараага бериш;

жолиявий лизинг;

Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ва халкаро банк амалиётига
мувофик, лицензияда маҳсус кўрсатилган бошқа банк амалиётлари.

**13. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шугулланишга
ташти эмас, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.**

**14. Банк ўз фаолиятини Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида
оширади.**

**15. Банк аҳоли, корхоналар, ташкилотлар, кредит ва молия институтлари шу
норезидентларнинг бўш турган пул маблағларини жалб қиласди ва уларни талаб
олгунча сақланадиган депозит ҳисобваракларида, омонат, муддатли депозит
хисобваракларида, шунингдек бошқа турдаги депозит ҳисобвараклари ва мажбурият
хисобваракларида саклайди.**

**16. Банк корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга
муддатлилик, қайтаришлик, таъминланганлик, мақсадлилик ва фоизлилик
принциплари асосида сўмда ёки чет эл валютасида кредитлашни амалга оширади.**

Банк томонидан бериладиган кредитлар, коида тарикасида, амалдаги қонун
мувофиқ ундириш мумкин бўлган мол-мулк гарови, шунингдек
кафилликлар, банк тажрибасида қабул килинган бошқа шакллардаги
мажбуриятлар билан таъминланади. Банк бу кафолатлар, кафилликлар, мажбуриятларнинг
принципларини ўз кредит сиёсати ҳамда Марказий банк коида ва тавсияларини ҳисобга
белилайди.

**17. Банк Марказий банк томонидан берилган лицензия асосида Марказий банк
томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ чет эл валютасида амалиётларни амалга
оширишига ҳаклиdir.**

**18. Банк Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган
кимматли қоғозлар бозорида професионал фаолиятни амалга ошириши мумкин.**

III. БАНКНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ

19. Банкнинг устав капитали акциядорлар олган банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топиб, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида шифодаланади ва ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган банк мол-мулкининг кам миқдорини белгилайди.

20. Банк оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли. Банкнинг барча акциялари эгаси ёзилган, эмиссион қимматли шифозлардир.

Банкнинг барча турдаги акциялари 950 (тўққиз юз эллик) сўмни ташкил этадиган номинал қийматга эга.

21. Банкнинг устав капитали 96 120 050 000 (тўқсон олти миллиард бир юз йигирма миллион эллик минг) сўмни ташкил этади ва қўйидаги акцияларга тақсимланади:

эгасининг номи ёзилган оддий акциялар – номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган 86 000 000 (саксон олти миллион) дона миқдорда;

имтиёзли акциялар - номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган 15 179 000 (беш миллион бир юз етмиш тўққиз минг) дона миқдорда;

22. Банк томонидан устав капиталини кўпайтириш мақсадида чиқарилиши эълон қилинган акцияларнинг суммаси 101 479 950 000 (бир юз бир миллиард тўрт юз етмиш тўққиз миллион тўққиз юз элиик минг) сўмни ташкил этади, шу жумладан:

эгасининг номи ёзилган оддий акциялар – номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган 106 000 000 (бир юз олти миллион) дона миқдорда;

имтиёзли акциялар – номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган 821 000 (тўққиз юз йигирма бир минг) дона миқдорда.

23. Банк акцияларини жойлаштиришда уларнинг ҳақини тўлаш факат пул мобалгари билангина амалга оширилади. Жойлаштирилган имтиёзли акциянинг номинал қиймати банк устав капиталининг 20 (йигирма) фоизидан ошмаслиги керак.

24. Банкнинг устав капиталини кўпайтириш Ўзбекистон Республикасининг қонун тартиблари ва мазкур Уставда белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Банк устав капиталини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан шифодаланади ва Банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

Акциядорларнинг умумий йигилиши устав капиталини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш масаласи бўйича қарорни қабул қилиш билан бир тартибда. Банк уставининг эълон қилинган акциялар суммаси тўғрисидаги қоидаларига Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай қарорни қабул қилиши учун зарур бўлган ўзгартиришларни киритиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан шифодаланади тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акциялар ёки Акциядорларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари, шунингдек ҳужжатларига асосан жойлаштирилган акцияларни сотиб олишда имтиёзли хуқукка бўлган акциядорлар учун қўшимча акцияларнинг жойлаштириш нархи белгиланган мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда банкнинг имтиёзли акцияларини оддий акцияларга айирбошлаш мумкин.

Агар банк томонидан акциялар ва қимматли қоғозлар жойлаштирилса, банкнинг овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорлар бундай қимматли қоғозларни ўзлари эга бўлган овоз берувчи акциялар сонига мутаносиб микдорда, шу жумладан Акциядорларнинг умумий йигилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар микдорига мутаносиб микдорда имтиёзли сотиб олиш хукуқига эга.

Банк устав капиталини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати микдорида қайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги акцияларнинг микдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турлардаги акцияларнинг сонига қисқартирилади.

Банк устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш конунчиликда белгиланган тартибда, жалб қилинган инвестициялар, банкнинг ўз капитали ва хисобланган дивидендлар хисобидан амалга оширилиши мумкин.

Банк устав капиталини унинг ўз капитали хисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида таҳсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда таҳсимланади. Банк устав капитали кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, банк устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

26. Агар қонун хужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, Банкнинг устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

27. Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда банк томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Банк устав капиталини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг микдори банк устав капиталининг Банк уставидаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказишсанасида аниқланадиган, қонун хужжатларида белгиланган энг кам микдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

Устав капиталини камайтириш ҳамда Банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиши тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда Акциядорларнинг умумий йигилиши капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

28. Банк ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун хужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очик обуна ўтказишга ёки уларни ҳусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли.

Жойлаштирилаётган акцияларнинг сони акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган микдордан кўп бўлмаслиги лозим.

Банк томонидан қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш мuddати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак.

Банк томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш усуллари (очик ёки ёпиқ обуна) Акциядорлар умумий йигилишининг

қарори билан белгиланади. Банк акцияларини ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш услуги тўғрисида кўрсатма бўлмаса, жойлаштириш факатгина очик обуна воситасида амалга оширилиши мумкин.

IV. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

29. Банк операцияларини юритиш билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда банк мустақилдир.

30. Банк қуидаги ҳуқуқларга эга:

омонатлар ва бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини мустақил белгилаш; шартнома асосида депозит ва кредитлар шаклида бошқа банкларнинг маблағларини жалб қилиш ҳамда маблағларни бошқа банкларда жойлаштириш;

ташкил этиладиган ҳисоб-китоб маркази ва вакиллик ҳисобвараклари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

банк операциялари бўйича воситачилик тўловлари миқдорини мустақил белгилаш;

банк барча солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобидан захиралар ва фондларни ташкил қилиш. Хусусан, банк капитали захираси таркибида қонун ҳужжатларига мувофиқ “стандарт” деб таснифланувчи активларни сўндирилмаган асосий қарз суммасидан 1 (бир) фоиз миқдорида захира яратади;

лицензияда ва Банк уставида назарда тутилган, ўз молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа хатти-харакатлар ва операцияларни амалга ошириш.

31. Банк қуидагиларга мажбур:

маблағларни Марказий банкда захирага қўйиш ва белгиланган иқтисодий нормативларга риоя қилиш бўйича Марказий банк томонидан белгиланган талабларни бажариш;

кредит ва лизинг операциялари бўйича эҳтимолий заарларни қоплаш учун Марказий банк томонидан белгиланган тартиб ва миқдорларда захиралар ташкил этиш;

Марказий банк топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижроси бўйича операцияларни амалга ошириш;

гаров (шу жумладан мол-мулк шаклидаги), бериладиган кафолатлар, кафиллар ва мажбуриятларнинг етарлилигини ҳисобга олган ҳолда бериладиган кредитлар таъминланишининг локал тартибини белгилаш;

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошкор этиш;

банкда ички аудит хизмати мавжуд бўлишини таъминлаш;

ўз мижоз ва вакилларининг операциялар, ҳисобвараклари ҳамда омонатлари бўйича маҳфийликни таъминлаш;

“тenglіk” тамоилига риоя қилиш, яъни барча акциядорларга уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавкеидан катъи назар бир хил муносабатда бўлишdir.

32. Банк ўз мижози ва вакилларининг операциялари, ҳисобвараклари ҳамда омонатлари бўйича сирини кафолатлади. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар мижознинг (вакилнинг) ўзига, мижоз томонидан ваколат берилган вакилга ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа шахсларга берилади.

V. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИ

33. Юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари хам, банк акциядорлари бўлиши мумкин. Бунда хорижий инвесторнинг улуши банк устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

33.1. Акциядорлар:

банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;

депозитарийдаги депо хисобварагидан ўзига тааллукли кўчирма олиш;

банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

банк тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;

белгиланган тартибда банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли аҳборот олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

конун хужжатларида белгиланган тартибда банкдан унга тегишли бўлган акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисмини сотиб олишини талаб қилиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз хукукларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган заарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

банк акцияларини олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурта қилиш хукуқига эга;

йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлар келишуви тузиш;

акциядорлар ва инвесторларга зарур бўлган муайян (тижорат ва банк сири бўлган махфий аҳборотлардан ташқари) аҳборотларни талаб қилиш.

Акциядорлар конун хужжатларида ва ушбу Уставда мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлади.

Акциядор томонидан хукукларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг хукуқлари ва конун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

33.2. Бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар, Банк кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан кўрсатиш юзасидан таклифлар киритишга ҳақли.

Банк акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача банк акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик килган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишилари борасидаги таклифини ўттиз кун ичida эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон килинган кундан эътиборан ўттиз кун ичida олинган тақдирда, банкнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт

34. Акциядор қўйидагиларга мажбур:

ўз акцияларига бўлган хукукларини хисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳакида ўз вақтида хабардор қилиш;

банк сирини ташкил этувчи аҳборотни ва махфий маълумотларни ошкор этмаслик.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари ва ушбу Уставда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

VI. БАНКНИНГ СОФ ФОЙДАСИНИ ТАҚСИМЛАШ. ДИВИДЕНДЛАР.

35. Дивиденд банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Дивиденд Акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

36. Банк:

Банк устав капиталининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлик тўлаб бўлингунига кадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда банкда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки банкда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар банк соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонdlари суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу холатлар тугатилгач, банк ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

37. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугаганидан сўнг уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисббот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Банк кенгashi томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

38. Банк акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

Дивидендлар банк тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Бунда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар банкнинг захира фонди ҳисбидан ҳам тўланади.

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича тўланади.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар акциялар номинал қийматининг 30 фоизи миқдорда тўланади.

Банк етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар банк томонидан банкнинг факт шу максад учун ташкил этилган захира фонди ҳисбидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

Имтиёзли акциялар бўйича, уставда белгиланган миқдорда тўланмаган ёки тўлик тўланмай қолган дивиденdlар жамғариб борилади ва кейинчалик тўланади.

39. Акциядорларга дивиденdlарни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиши учун шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш хуқуқига эга.

Банк акциядорларининг реестири, Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан 3 иш куни олдин шакллантирилади.

40. Банк дивиденdlарнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласи. Банк тўланадиган дивиденdlар миқдори тўғрисидаги маълумотларни кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва банкнинг расмий веб-сайтларида қонун хужжатларида белгиланган муддатларда эълон қиласи.

41. Банк захира фондини банк устав капиталининг 15 фоизи миқдорида ташкил этади.

Банкнинг захира фонди ушбу Уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар банк соф фойдасининг беш фоизи миқдорида ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

42. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда банкнинг захира фонди банк зарарлари ўрнини қоплаш, банк корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидентлар ва банк акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

VII. БАНКНИ БОШҚАРИШ

43. Куйидагилар банкнинг бошқарув органлари хисобланади:

Акциядорларнинг умумий йигилиши;

Банк кенгаши;

Банк бошқаруви.

Банк кенгashi ва Банк бошқаруви Банк устави, Акциядорларнинг умумий йигилиши қарорлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида берилган ваколатлар доирасида банк фаолиятига раҳбарлик қиласи.

Банк фаолиятини самарали ташкил этиш ва устав капиталига хорижий инвесторларни жалб этиш, банкни бошқарув органлари, меҳнат жамоаси вакиллари ўртасида ўзаро муносабатлар тизимини таъминлаш Корпоратив бошқарув кодекси ва банкнинг бошқа локал хужжатлари асосида амалга оширилади

Акциядорларнинг умумий йигилиши

44. Акциядорларнинг умумий йигилиши банкнинг юқори бошқарув органидир.

45. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

45.1. Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

45.2. Банкни қайта ташкил этиш;

45.3. Банкни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- 45.4. Банк кенгашининг сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 45.5. Миноритар акциядорлар қўмитасини тузиш ва сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 45.6. Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- 45.7. Банк устав капиталини кўпайтириш;
- 45.8. Банк устав капиталини камайтириш;
- 45.9. Конун хужжатларида белгиланган тартибда ва ҳолларда, Марказий банк билан келишувга асосан ўз акцияларини олиш;
- 45.10. Банк ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- 45.11. Аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш;
- 45.12. Банк кенгаши томонидан тайинланган Банк бошқаруви раисини тасдиқлаш;
- 45.13. Банк тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;
- 45.14. Акциядорларнинг умумий йигилиши, Миноритар акциядорлар қўмитаси, Банк кенгаши, Банк бошқаруви ва Банк тафтиш комиссияси, шунингдек, Банк кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, шунингдек уларга кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;
- 45.15. Банкнинг йиллик хисоботини, шунингдек банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- 45.16. Банкнинг фойда ва заарларини тақсимлаш;
- 45.17. Банк кенгаши ва Банк тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан банкни бошқаришга доир конун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк кенгашининг хисоботларини ва Банк тафтиш комиссиясининг хulosаларини эшлиш;
- 45.18. Банк томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 45.19. Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 45.20. Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни сотиб олишда, қонунчиликда белгиланган имтиёзли хукуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- 45.21. Конун хужжатларида белгиланган ҳолларда банк билан алоқадор бўлган (аффилланган) шахслар билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 45.22. Акциядорларнинг умумий йигилиши регламентини тасдиқлаш;
- 45.23. Акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- 45.24. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соғ активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 45.25. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботлари ва бошка хужжатлари кўриб чиқилади.
- 45.26. Хайрия, ҳомийлик ва беғараз ёрдам бериш шартлари ва қарорлар қабул қилиш факат Акциядорлар умумий йигилиши ва жорий йил учун бизнес-режада белгиланган чегарадан четга чиқмаган ҳолда, бу ҳакда барча акциядорларга маълумотларни ошкор этиш шарти билан амалга оширилади;
- 45.27. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, ушбу Уставида ва Акциядорларнинг умумий йигилиши тўғрисидаги Низомда назарда тутилган бошка масалаларни ҳал қилиш кўрсатилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

46. Банк уставининг 45-банди **45.1., 45.2., 45.3., 45.6., 45.17., 45.21., 45.24.** кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч кисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

47. Акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

48. Банк хар йили Акциядорлар умумий йигилишини (йиллик акциядорлар умумий йигилиши) ўтказиши шарт. Акциядорлар умумий йигилиши хар йили 27 июнда ўтказилади. Агар белгиланган кун иш куни бўлмаса, унда Акциядорлар умумий йигилиши жорий йилнинг 27 июндан кейинги биринчи иш кунида ўтказилади.

Зарурат бўлганда, Банк кенгаши акциядорларни амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда олдиндан хабардор қилган ҳолда, Йиллик акциядорлар умумий йигилишини ушбу бандда белгиланган муддатгача ўтказиш хукуқига эга.

49. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хукуқига Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санасидан 3 иш куни олдин шакллантириладиган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

50. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоги билан ўттиз кун олдин “Openinfo.uz” корпоратив ахборотлар ягона портала, банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида зълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

51. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) банкнинг йиллик ҳисботи, банкнинг йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Банк тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси, Банк кенгашининг Банк бошқаруви раиси билан тузилган шартноманинг амал килиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хulosаси, шунингдек Банк кенгаши ва Банк тафтиш комиссияси ҳамда Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки банкнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

52. Банк овоз берувчи акцияларининг хаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) банкнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай, Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Банк кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

53. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши Банк кенгашининг карорига кўра унинг ўз ташабуси асосида, Банк тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек талаб тақдим этилган санада банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

54 Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хукуки шахсан акциядор томонидан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор Акциядорларнинг умумий йигилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йигилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳаклидир.

55. Акциядорнинг вакили Акциядорларнинг умумий йигилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

56. Агар Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтдан, банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун кворум бўймаса, Акциядорларнинг такорий умумий йигилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такорий умумий йигилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йигилиши ўрнига чақирилган такорий умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами кирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг такорий умумий йигилиши ваколатли бўлади.

57. Акциядорларнинг умумий йигилишида кун тартибининг масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Банк кенгаси томонидан тасдиқланади, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши Банк кенгаси томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йигилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

Банк Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этувчи шахсга, ушбу шахс хисобидан улар томонидан тўлдирилган бюллетендан нусха кўчириб олиш имконини беради.

58. Банк кенгаси ёки Банк тафтиш комиссияси аъзосини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган такдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

59. Саноқ комиссияси Акциядорларнинг умумий йигилишида кворум бор ёки йўклигини аниқлайди, умумий йигилишда овоз бериш хуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга кўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш хуқуқларини таъминлади, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш якунларини чиқаради, овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини банкнинг архивига топширади.

60. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси Акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар икката

нусха ҳам умумий йиғилишда раислик килувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

61. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банкда уларнинг орасидан Миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар банкка Банк кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва Банк кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида Банк кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига Банк бошқаруви раиси, Бошқарув аъзолари, шунингдек Банк кенгашига ва Банк тафтиш комиссиясига сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидагилар киради:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Банк кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;

қонун хужжатларига ва Банк уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камидан тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

Миноритар акциядорлар қўмитаси 3 (уч) кишидан кам бўлмаган таркибда сайланади.

Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисбот беради.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси ушбу қўмита таркибидан миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича банкнинг хужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

Миноритар акциядорлар қўмитаси банкнинг хўжалик фаолиятига аралашибга, миноритар акциядорлар эса хужжатларни асоссиз равища талаб қилишга ва маҳфий ахборотлар, тижорат ва банк сирларини қўллаш йўли билан банк бошқаруви органи фаолиятига тўсқинлик қилишга хақли эмас.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига Банк кенгашининг ёки Банк бошқарувининг аралашувига йўл қўйилмайди.

Банк кенгаши

62. Банк кенгаши банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ва ушбу Устав билан Акциядорлар

умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

63. Банк кенгашининг ваколат доирасига қуидагилар киради:

63.1. Банкни стратегик бошқаришда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш, халқаро тажриба асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш асосида банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Банк бошқарувининг ҳисботларни мунтазам равишда эшлиб бориш;

63.2. Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чакириш, қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

63.3. Акциядорлар умумий йигилиш кун тартибини тайёрлаш, шу жумладан, Банк кенгашининг умумий йигилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотларни тақдим этиш;

63.4. Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вақти ва жойини белгилаш;

63.5. Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

63.6. банкни қайта ташкил қилиш ва тугатиш, Банк уставига ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Банк уставини тасдиқлаш, аудиторлик текшируви ўтказиш; банкнинг йиллик ҳисботи, фойда ва заарлари тақсимланишини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш учун Акциядорларнинг умумий йигилишига киритиш;

63.7. Мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

63.8. Банкнинг сиёсатлари ва йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, бунда банкнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Банк кенгаси мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;

63.9. Банк бошқаруви раисини лавозимига тайинлаш, унинг ваколат муддатини узайтириш ёки муддатидан олдин тугатиш ва кейинчалик бу масалани тасдиқлаш учун Акциядорларнинг умумий йигилишига киритиш. Конунчиликда ва банк локал ҳужжатларида белгиланган тартибда, Банк бошқаруви раисини тайинлаш тўғрисидаги қарор, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши мумкин;

63.10. Банк бошқаруви аъзоларини лавозимига сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

63.11. Банк ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшлиб бориш;

63.12. Банкнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

63.13. Дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

63.14. Банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

63.15. Банк филиалларини ташкил қилиш ва ваколатхоналарини очиш;

63.16. Шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;

63.17. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Банк кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Йирик битим тузиш масаласи бўйича Банк кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим

тузиш тўғрисидаги масала Банк кенгашининг қарорига қўра Акциядорларнинг умумий йигилиши хал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин;

63.18. Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлик битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

63.19. Корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

63.20. Банк билан алоқадор бўлган (аффилланган) шахслар билан битим тузишга рухсат бериш, бундай битим тузиш тўғрисидаги қарор қонун хужжатлари ва ушбу Уставга муфовиқ Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган ҳоллар бундан мустасно;

63.21. Банк томонидан корпоратив облигация чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

63.22. Банкнинг депозит ва омонат сертификатлари чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

63.23. Акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва ўюшган биржадан ташкари бозорига чиқариш) нархини қонун хужжатлари ва ушбу Уставга муфовиқ белгилаш;

63.24. Банк бошқаруви аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

63.25. Банкнинг таркибий тузилмалари ва филиаллари фаолият тартибини белгиловчи локал хужжатларни тасдиқлаш, қонун хужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ Акциядорларнинг умумий йигилиши ва Банк бошқаруви ваколатига тааллуқли бўлган локал хужжатларни қабул қилиш (тасдиқлаш) бундан мустасно;

63.26. Банк бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатдан эркин фойдаланиш ва Банк бошқаруви ёки унинг топшириги бўйича масъул шахслардан Банк кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Банк кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

63.27. Банк кўмиталярини ташкил қилиш ва улар тўғрисидаги низомлар, шунингдек ички аудит ва ички назорат хизмати низомларини тасдиқлаш;

63.28. Хайрия, ҳомийлик ва беғараз ёрдам бериш шартлари ва қарорлар қабул қилиш факат Акциядорлар умумий йигилиши ва жорий йил учун бизнес-режада белгиланган чегарадан четга чиқмаган ҳолда, бу ҳақда барча акциядорларга маълумотларни этиш шарти билан амалга оширилади. Бунда, хайрия ва беғараз ёрдам бериш чекланган миқдори ҳар йили Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида белгиланади.

63.29. “Капиталбанк” АТБда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда юзага келувчи Банк ва (ёки) унинг таркибий тузилмалари ва (ёки) ходимлари, мижозларининг мулкий ва бошқа манфаатлари ўртасидаги зиддият, бунинг натижасида банк ва (ёки) унинг мижозлари учун ноxуш оқибатларни келтириб чиқарувчи манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш;

63.30. Учинчи шахслар томонидан банк фаолияти тўғрисидаги эксперт хисоботларини банк веб сайти ёки “Интернет” ахборот телекоммуникация тармоғида жойлаштириш учун дастлабки розилик бериш;

63.31. Имтиёзли акцияларни оддий акцияларга айрибошлаш ҳакидаги қарорни қабул қилиш ва тасдиқлаш;

63.32. Қонун хужжатлари, ушбу Устав ва Банк кенгаши тўғрисидаги низом ва банкнинг бошқа локал хужжатларида назарда тутилган Банк кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни хал қилиш.

Банк кенгаши ваколатларига киритилган масалалар хал қилиш Банк бошқарувига учун ўтказилиши мумкин эмас.

64. Банк кенгаши мажбуриятлари:

- ўз ваколатларини банк акциядорлари манфаатларини кўзлаб иш тутиши;
- банкка ваколатли раҳбарликни таъминлаш;
- Банк бошқаруви билан маслаҳатлашиб банкнинг узоқ ва қисқа муддатли бизнес-режаларини ўрнатади;
- банк тезкор фаолияти, кредитлар бериш ва маблағларни инвестициялашнинг тўғрилиги устидан жорий назоратни амалга ошириш (омонатчилар, кредиторлар ва акциядорлар манфаатларини химоя қилиш мақсадида);
- банкнинг етарли даражадаги капиталлашувини қўллаб-қувватлаш;
- банк фаолияти стратегиясини шакллантириш;
- банкнинг фойда кўриши мониторингини олиб бориш;
- ички аудит хизмати фаолият кўрсатишини ташкил этиш;
- банк мақсадларига эришиш ҳамда қонуний, хавфсиз ва самарали банк фаолиятини юритиш учун етарли сиёсатларни белгилаш;
- хар чорақда банк фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни эшлиш;
- банк операциялари учун мос назоратни таъминлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва банк сиёсатларига мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш;
- корпоратив бошқариш бўйича қонун хужжатлари билан белгиланган талабларга риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисоботни йиллик Акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этиш;
- “Капиталбанк” АТБ Ички назорат тўғрисидаги Низомга амал қилиш юзасидан назорат ўрнатади.

65. Банк кенгаши 6 кишидан иборат таркибда сайланади. Банк кенгаши аъзолари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йилга муддатга сайланади. Банк кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Банк бошқаруви аъзолари ва Бошқарув раиси, шунингдек банкда меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган шахслар Банк кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Акциядорлардан ташқари олимлар ва банк соҳаси мутахассислари ҳам Банк кенгаши аъзоси бўлишлари мумкин.

66. Банк кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Банк кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга хақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банк кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

67. Банк кенгашининг раиси Банк кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан Банк кенгаш таркибидан Банк кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

68. Банк кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Банк кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қиласи, мажлисларида баённома юритилишини ташкил этади ҳамда Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қиласи, банк номидан Бошқарув раисини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тузади.

Банк кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Банк кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

69. Банк кенгашининг мажлиси Банк кенгашнинг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар, Банк кенгаши, Банк тафтиш комиссияси, Банк бошқаруви аъзолари, ички аудит хизмати раҳбари, банкнинг ташқи аудити талабига кўра чакирилади.

70. Банк кенгаши ҳар ой камида бир марта чақирилади.

71. Банк кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Банк кенгашига сайланган аъзоларнинг 80 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Банк кенгаши аъзоларининг сони ушбу Уставда назарда тутилган миқдорнинг 80 фоизидан кам бўлган тақдирда, Банк кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириши шарт. Банк кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Банк бошқаруви раиснинг ваколатлари муддатидан илгари тутатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

72. Банк кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, уставнинг 63.7., 63.12., 63.13., 63.14., 63.16., 63.17., 63.18., 63.20., ва 63.31-бандларида назарда тутилган Банк кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилиниши лозим бўлган масалалар бундан мустасно. Агарда кўрсатилган масалалар юзасидан Банк кенгаши томонидан бир овоздан қарор қабул қилиш имкони бўлмаса, Банк кенгаши ушбу масалаларни банк Акциядорларининг умумий йиғилишига киритади.

Банк кенгаши қарорларини қабул қилишда овозлар teng бўлган тақдирда Банк кенгаши раиси хал қилувчи овоз ҳуқуқига эга.

Банк кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Банк кенгашининг бошқа аъзосига беришга йўл қўйилмайди.

73. Банк кенгашининг мажлисида баённома юритилади, у мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади.

Банк кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Банк кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Банк кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Банк кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Банк кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Банк бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Банк кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Банк бошқарувига Банк кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

Банк бошқаруви

74. Банк бошқаруви - унинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилувчи банк ижроия органи ҳисобланади. Бошқарувга раис раҳбарлик килади.

Банк бошқаруви қонун хужжатлари ва Банк уставига мувофиқ, Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Банк кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишга ҳакли эмас.

Банк бошқаруви Банк кенгаши ва Акциядорлар умумий йиғилиши олдида хисобдордир.

75. Банк бошқаруви 7 кишидан кам бўлмаслиги керак. Банк бошқаруви таркибига раис, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер ва банк юридик хизмати раҳбарни киради. Банк бошқаруви таркибига шунингдек банкнинг асосий бўлинмалари раҳбарлари кириши мумкин.

76. Банк бошқаруви раиси ўз лавозимига Банк кенгашининг қарори билан бир йил муддатга тайинланади ва кейинчалик Акциядорлар умумий йиғилиши тасдиғига киритилади. Конун хужжатларида ва номзодларни танлаш регламентида белгиланган тартибда, Банк бошқаруви раисини тайинлаш туғрисидаги қарор, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши мумкин.

Банк бошқаруви аъзолари Банк кенгаши томонидан бир йил муддатга тайинланади. Конун хужжатларида ва номзодларни танлаш регламентида белгиланган тартибда, Банк бошқаруви аъзоларини тайинлашда чет эллик менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилиши мумкин.

Банк бошқаруви аъзолари, акциядорлар вакили бўлиб иштирок этса, Бошқарув аъзоларини сайлаш туғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари билан шартнома банк номидан Банк кенгаши раиси ёки Банк кенгаши ваколат берган шахси томонидан имзоланади.

77. Банк бошқарувининг ваколатига Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатлари, ушбу Устав ва банкнинг бошқа локал хужжатларига биноан Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Банк кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалардан ташқари, банк фаолиятига кундалик раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради.

Банк бошқаруви:

77.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ва Банк кенгашининг қарорларининг бажарилишини ташкил этади;

77.2. Банкнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштиради, халқаро тажрибани чукур таҳлил қилиш асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этади, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади; банкка хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратади, етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёrlаш ва уларнинг касб даражасини оширишни ташкил киласди, шунингдек банкнингдә раҳбарлик лавозимларига чет эллик юкори малакали менежерларни жалб қиласди;

77.3. Банк ички назорат ва ички аудит хизматлари тўғрисидаги низомлар ва Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кенгаши томонидан тасдиқланадиган бошқа локал хужжатлардан ташқари банк таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низом, тартиб, таомилларни тасдиқлайди;

77.4. Битимлар тузиш ҳақидаги қарор кабул қилинаётган санада банк соф активлари қийматининг 5 дан 15 фоизгача ташкил қиласидан қийматга эга бўлган, мол-мулкни олиши ёки тасарруфидан чиқариши, шунингдек банк томонидан баланс қийматидан катъи назар кўчмас мол-мулк ва автотранспорт воситаларини олиши ёки тасарруфидан чиқариши билан боғлиқ бўлган битимлар бўйича қарор кабул қиласди;

77.5. Банк бошқаруви хузуридан кўмиталарни ташкил этади ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

77.6. Банкнинг кундалик фаолиятидаги муҳим масалалар бўйича қарорлар кабул қиласди;

77.7. Банк ички аудити хизматининг текширув натижалари бўйича аниқланган камчиликлар ва қонун бузилишларни ҳар чоракда кўриб чиқади ва уларни бартараф қилиш чораларини кўради;

77.8. Ташки аудит текшируви натижалари ва Марказий банк томонидан ўтказилган инспекция (текширув) ҳисоботларини батафсил тахлил қиласди;

77.9. Кредит, инвестиция, эмиссия сиёсатлари, банк ликвидлигини бошқариш сиёсатини қамраб олувчи банкни бошқариш учун сиёсатлар ишлаб чиқиш чоратдирларини кўради;

77.10. Қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва Банк бошқаруви тўғрисидаги Низом ва банкнинг бошқа локал ҳужжатларида назарда тутилган Банк бошқаруви ваколатига тааллукли бўлган бошқа масалаларни ҳал қиласди.

78. Банк бошқаруви мажлиси, агар унда Банк бошқарувининг камида б аъзоси ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Қарорлар Банк бошқаруви мажлисида иштирок этувчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда Банк бошқарув раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Банк бошқаруви аъзоси Банк бошқаруви қарорига қўшилмаган ҳолларда Банк кенгашига ўз фикри тўғрисида хабар бериши мумкин.

79. Банк бошқаруви мажлисида баённома юритилади. Банк бошқаруви мажлисининг баённомаси Банк кенгаши ва Банк тафтиш комиссияси аъзоларининг талаби бўйича уларга тақдим қилинади.

Банк бошқаруви мажлисини ўтказилишини, банк номидан барча ҳужжатларга ва Банк бошқаруви мажлиси баённомасига имзо чекувчи Банк бошқаруви раиси ташкил қиласди, ўз ваколат доирасида Банк бошқаруви қабул қилган қарорларга мувофиқ банк номидан ишончномасиз иш юритади.

80. Банк кенгаши Банк бошқаруви раиси, Банк бошқаруви аъзолари билан тузилган шартномани, улар меҳнат шартнома шартларини бузган тақдирда шунингдек Банк уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли банкка зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳукуқига эга.

81. Банк кенгаши томонидан Банк бошқаруви раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Банк бошқаруви раисининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишининг ўзида ҳал этилиши ёхуд Банк бошқарувининг раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда Акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

82. Банк бошқаруви раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Банк кенгаши Банк бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қиласди, шунингдек Банк бошқаруви раиси тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакиради.

83. Банк бошқаруви раиси:

Акциядорлар умумий йиғилишининг, Банк кенгашининг ва Банк бошқарувининг қарорлари ижросини таъминлайди;

банк номидан ишончномасиз иш юритади, бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалайди;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва ушбу Уставда белгиланган доираларда мол-мулк ва пул маблағларини тасарруф этади;

банкнинг бош оғиси ва филиаллари ташкилий тузилмасини тасдиқлайди, банк қоидалари, иш тартиби ва бошқа локал хужжатларини тасдиқлайди, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк кенгаши ва Банк бошқаруви томонидан тасдиқланадиган локал хужжатлар бундан мустасно;

Банк бошқаруви томонидан тасдиқланган локал хужжатларни имзолайди;

банк, филиаллар ва ваколатхоналарнинг штатларини тасдиқлайди;

ишончномалар беради;

банкларда банкнинг вакиллик, валюта, ҳисоб-рақамлари ва бошқа ҳисоб-рақамларини очади;

бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қилади;

шартномалар ва бошқа битимлар тузади;

ходимларни, шу жумладан бўлинма, филиал ва ваколатхоналар раҳбарларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

банк ходимларини қонун хужжатларида ушбу Устав, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банк кенгаши томонидан белгиланган тартибда рағбатлантиради, шунингдек уларни интизомий ва моддий жавобгарликка тортади;

банк ходимларининг барчаси учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банк кенгаши ва Банк тафтиш комиссияси фаолиятини ташкилий техникавий таъминлашни амалга оширади;

битимлар тузиш ҳакидаги карор қабул қилинаётган санада банк соғ активлари қийматининг 5 фоизгача ташкил қиладиган қийматга эга бўлган, мол-мулкни олиши ёки тасарруфидан чиқариши билан боғлиқ битимлар тузади, бундан банк томонидан баланс қийматидан қатъи назар кўчмас мол-мулк ва автотранспорт воситаларини олиши ёки тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ бўлган битимлар мустасно;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ банк фаолиятининг бошқа кундалик масалаларини ҳал қилади.

VIII. БАНК ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ

84. Банк Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисбот тақдим этиши шарт.

85. Банкда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисбот ва бошқа молиявий ҳисботлар, шунингдек банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ Банк бошқарувининг зиммасида бўлади.

86. Банкнинг молиявий ҳисботида кўрсатилган ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва заарлар ҳисбоварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари банк ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти (кейинги матнларда – мустақил аудиторлик ташкилоти) томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

87. Банкнинг йиллик ҳисботи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 30 кун олдин Банк кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

88. Банкнинг операцияларини бажарадиган йил 1 январда бошланади ва 31 декабрда тугайди.

IX. БАНКНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

89. Банкнинг молия-хўжалик фаолият устидан назоратни амалга ошириш учун Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан 3 кишидан иборат таркибда Банк тафтиш комиссияси сайланади.

Банк тафтиш комиссияси Акциядорлар умумий йигилишининг қарори бўйича қайта сайланиш хукуқи билан бир йилга сайланади.

Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс Банкнинг тафтиш комиссияси таркибида кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Банк тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек банқда меҳнати шартномаси бўйича ишлаши мумкин эмас.

90. Банк тафтиш комиссиясининг ваколати ва фаолияти тартиби қонун хужжатлари, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йигилишида тасдиқлаган Банк тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомда белгиланади.

91. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссиясининг, Акциядорлар умумий йигилишининг, Банк кенгашининг ташаббусига кўра ёки банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Банк кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

92. Банк тафтиш комиссияси банк фаолиятини тартибга солувчи норматив хукукий хужжатларга риоя қилиниши, банк ички назорати ўрнатилиши, банк томонидан йил давомида (ялпи ёки танлаб текшириш) ўтказилган кредит, хисоб-китоб ва бошқа операциялари, касса ва мол-мулкнинг ҳолатини текширади.

93. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Банк тафтиш комиссияси хulosса тузади, бу хulosада:

хисоботларда ва банкнинг бошқа молия хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий хисоботини тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга оширилаётганда қонун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисида ахборот кўрсатилиши шарт.

94. Тафтиш комиссияси банқда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки ирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва банк ички хужжатларининг бундай битимларни тушибга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чоракда Банк кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

95. Банк тафтиш комиссияси Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ навбатдан ташқари Акциядорларнинг умумий йигилишини чакриши хукуқига эга.

96. Ички аудит хизмати Банк бошқаруви, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Банк уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия хисобида ва молиявий хисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сакланишини, шунингдек банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали уларнинг ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

97. Ички аудит хизмати Банк кенгаши олдида хисобдордир.

98. Банк аудити мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан ҳар йили олиб борилади. Аудиторлик ташкилоти банк билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

99. Аудиторлик ташкилоти банкнинг молиявий хисботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарап учун банк олдида жавобгар бўлади.

100. Аудиторлик текширувларидан мақсад аудиторларнинг қуидагилар билан боғлиқ холис фикрини олиш хисобланади:

банкнинг молиявий хисботлари ишончлилиги ва уларнинг миллий ва халқаро бухгалтерия хисоби стандартларига мувофиқлиги;

ички назорат тизимини ташкил қилиш ва ички назорат тартиб-таомилларига риоя этилиши;

банкнинг банк қонунчилигига ва Марказий банк меъёрий ҳужжатларига риоя этиши;

банклар билан ўзаро муносабатларида олиб борилган операциялари, унинг молиявий фаолияти, бухгалтерлик хисоби ва маъмурий назорат тизимининг тўғрилиги ва самарадорлиги.

X. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ

101. Банкни қайта ташкил қилиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига асосан, Марказий банк рухсати билан амалга оширилади.

Банкни қайта ташкил қилиш кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзgartiriш шаклларида амалга оширилиши мумкин.

Қайта ташкил қилишда банк таъсис ҳужжатларига тегишли ўзgartiriшлар киритилади.

102. Банк ўз фаолиятини қуидаги ҳолларда тугатади:

Акциядорлар умумий йигилишининг қарори бўлганда;

Марказий банк томонидан лицензия чакириб олинганда;

банкрот деб эълон қилинганда.

103. Банк тугатилаётганда барча кредитор ва омонатчилар талаблари инобатга олинади. Кредиторлар ва омонатчилар билан ҳисоб-китоб тугагандан кейин, банкнинг қолган мол-мулки тутатувчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар ўртасида тақсимланади.

Имтиёзли акцияларни тугатилиш қиймати уларнинг номинал қийматининг 100 фоизига тенг.

104. Банк Марказий банк томонидан Банкларни рўйхатга олиш Давлат китобидан ўчирилган вақтдан бошлаб тугатилган ҳисобланади.

105. Марказий банк банк тугатилганлиги хақидаги тегишли ёзувни Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан банк қимматли қоғозларини Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестридан чиқарилганидан кейингина киритади.

XI. БАНК УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

106. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан Банк уставига киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

107. Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Банк уставини янги таҳрирда қабул қилиш банкни рўйхатга олиш учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида кўрсатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

108. Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Банк уставини янги таҳрирда қабул қилиш учинчи шахслар учун Марказий банк томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан кучга киради.

**ВЫПИСКА ИЗ ПРОТОКОЛА № 1/2018
ГОДОВОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ
АКЦИОНЕРНОГО КОММЕРЧЕСКОГО БАНКА «КАПИТАЛБАНК»**

город Ташкент
улица Сайилгох, 7

27 июня 2018 год
11.00 часов

На день проведения Годового общего собрания акционеров АКБ «Капиталбанк» общее количество выпущенных и размещенных простых именных бездокументарных акций – 86 000 000 штук, привилегированных акций – 15 179 000 штук.

На основании регистрационного списка Годового общего собрания акционеров АКБ «Капиталбанк» на Годовом общем собрании акционеров АКБ «Капиталбанк» приняли участие (зарегистрировались) 20 акционеров банка, с общим количеством 97 686 810 штук голосующих акций.

Кворум собрания составляет 96,55% от размещенного количества голосующих акций, допущенных на собрание акционеров.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

10. Об утверждении Устава АКБ «Капиталбанк» в новой редакции.

По десятому вопросу повестки дня принято решение:

- 10.1. Утвердить Устав АКБ «Капиталбанк» в новой редакции.

Результаты голосования:

Варианты голосования	Количество голосов (штук)	% от принявших участие в голосовании
«ЗА»	97 686 810	100
«ПРОТИВ»	0	0
«ВОЗДЕРЖАЛСЯ»	0	0

Выписка из протокола верна:

Секретарь ГОСА АКБ «Капиталбанк»

Худайберганов А.С.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БАНК НАЗОРАТИ ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСИНИНГ
44 / 3 – СОНЛИ БАЁНИДАН
КЎЧИРМА

2018 йил 14 август

Тошкент шаҳри

КУН ТАРТИБИ

“Капиталбанк” акциядорлик тиҷорат банкининг янги таҳрирдаги
Уставини рӯйхатдан ўтказиш тӯғрисида

Банк назорати қўмитаси “Капиталбанк” акциядорлик тиҷорат банки томонидан мазкур масала юзасидан тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини ўрганиб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

2. “Капиталбанк” акциядорлик тиҷорат банкининг янги таҳрирдаги Устави рӯйхатдан ўтказилсин.

Кредит ташкилотлари
пруденциал назорати
департаменти директори



А. Турдалиев

Ro'yxat raqami: 03.11811-10

20 18 yil «24» 07

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкига

“Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки Акциядорларининг йиллик умумий йигилиши томонидан (2018 йил 27 июндангы 1/2018-сонли баённомага асосан) “Капиталбанк” акциядорлик тижорат банкининг Устави янги таҳрирда тасдиқланди.

Банк устави янги таҳририни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишингизни сўраймиз.

Рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар иловага асосан тақдим этилмоқда.

Илова 25 варакда.

Хурмат билан,
Банк кенгашини раиси



Қ.А. Олимов

Тикилган ва ракамланган

24 (нисарда ети)

Варакдан иборат

14 айнада - 2018 йил

ИМЗО

